

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЁҚУБОВ ҲИКМАТЖОН ШУҲРАТОВИЧ

**ЭЛЕКТР ЎТКАЗУВЧАН ПОЛИМЕРЛАРДА ЗАРЯД
ТАШУВЧИЛАР ДИНАМИКАСИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

01.04.06-Полимерлар физикаси

**ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори
диссертацияси автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical –
mathematical sciences**

Матёкубов Ҳикматжон Шухратович Электр ўтказувчан полимерларда заряд ташувчилар динамикасини моделлаштириш.....	3
Матякубов Хикматжон Шухратович Моделирование динамики носителей заряда в электропроводящих полимерах.....	21
Matyokubov Khikmatjon Shukhratovich Charge carrier dynamics modeling in conducting polymers	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019. К/ФМ/Т.36.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЁҚУБОВ ҲИКМАТЖОН ШУҲРАТОВИЧ

**ЭЛЕКТР ЎТКАЗУВЧАН ПОЛИМЕРЛАРДА ЗАРЯД
ТАШУВЧИЛАР ДИНАМИКАСИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

01.04.06-Полимерлар физикаси

**ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

**Физика – математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
№В2019.2.PhD/FM138 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (polchemphys.uz) ҳамда «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Матрасулов Даврон Уринович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Нурғалиев Илнар Накипович**
физика-математика фанлари доктори

Явидов Баҳрам Янгибаевич
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети.**

Диссертация ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc 02/30.12.2019. К/ФМ/Т.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «27» ноябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^о. Тел: (+99871) 241-85-94; факс: (+99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz).

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (15 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^о. Тел: (+99871) 241-85-94).

Диссертация автореферати 2020 йил «10» 10 куни тарқатилди.
(2020 йил «09» 10 даги 2 рақамли реестр баённомаси).



С.Ш. Рашидова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор, академик

М.М. Усманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, к.ф.н., катта илмий ходим.

С.С. Негматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда экологик ҳафвсиз технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбалари асосида кам - углеродли энергетикага ўтишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада самарали, эгилувчан, экологик ҳафвсиз ва рақобатбардош электрон қурилмалар, жумладан қуёш элементларининг янги авлодларини яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда дунёда етакчи тадқиқотчилар томонидан диссертация мавзуси билан боғлиқ бўлган ва уларнинг долзарблиги ва заруратини белгилаб берувчи қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунда полимерлар асосида яратилган органик фотовольтаик элементларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу элементларнинг фойдали иш коэффициенти юқори бўлиб уларнинг перовскитлар билан гибридларининг конверсион фойдали иш коэффициенти 20% дан ошади. Бундай полимерлар асосидаги қуёш элементларининг конверсион хусусиятларини янада ошириш кремний асосидаги қуёш элементларини қисман ёки тўлиқ алмаштириш, фотовольтаик полимерларда заряд кўчишининг реалистик моделларини яратиш каби йўналишларда мақсадли илмий изанишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг илмий - амалий тадқиқотига доир тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ярим ўтказгичли гетероструктуралар асосида самарадор қуёш элементлари яратиш, қуёш энергиясини кучли оптик концентраторлар ёрдамида жамлаш ва йўналтириш, мавжуд фотовольтаик конверсия технологияларини оптималлаштириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларнинг бошқа турларини такомиллаштириш каби қатор йўналишлар бўйича муҳим натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар¹ стратегиясида мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш ҳамда фундаментал тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ қилиш вазифалари белгилаб берилган. Бу борада ресурс-тежамкор органик электроника асосини ташкил этувчи ўтказувчан полимерлардаги заряд ташиш жараёнларининг реалистик моделларини яратиш, конверсион самарадорлик нуқтаи назаридан энг оптимал тармоқланиш архитектурасини танлаш орқали заряд динамикасини самарали бошқаришга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343 - сон « 2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, ва 2017 йил 8 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-

¹ 2017 йил 07 февральдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республикада фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» ва III. «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш» устувор йўналишларига доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида ўтказувчан полимерларда заряд ташувчиларнинг динамикасини ўрганиш ва улардан амалиётда фойдаланиш бўйича илмий изланишлар жадал билан олиб борилмоқда. Чоп этилган нашрларнинг кўпчилигида асосан чизиқли полимерлар ўрганилган бўлиб, уларнинг тавсифланиши бир ўлчамли Су-Шиффер-Хигер панжаралари моделдан фойдаланишга асосланган. Ушбу модель асосида ўтказувчан полимерларнинг баъзи бир турларида экситонлар, поляронлар ва зарядланган солитонлар сингари турли хил заряд ташувчилари механизмларини ўрганиш бўйича илмий йўналишни ривожлантириш Н.Shirakawa, A. J. Heeger, A. G. Mac Diarmid ва бир қатор илмий мактаблар катта хисса қўшишган. Полиацетиленда экситонларнинг турли хил квант-механик моделларини яратиш урар асосида полимернинг зонавий структурасини ва бошқа электрон хоссаларини аниқлаш соҳасида S. Abe, M. J. Rice, S. Brazovskii ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларини таъкидлаб ўтиш зарур.

Республикамизда мазкур йўналиш ривожланишига С.Ш. Рашидова, Б.Л. Оксенгендлер, Н.Н. Тураева, Н.Р. Ашуров ва бошқалар ўзларининг изланишлари билан ўтказувчан полимерлар ва органик қуёш элементларининг электрон хоссалари статистик физика, синергетика ва квант механикасига асосланган моделлар яратишда ўз хиссаларини қўшишган.

Ушбу изланишларга қадар адабиётларда ўтказувчан полимерларда, айниқса уларнинг тармоқланган турларида заряд ташувчиларнинг моделлаштириш ва уларнинг кучиш жараёнларини бошқариш масалалари кам ўрганилган. Мазкур жараёнларнинг самарали моделларини яратиш, ўтказувчан полимерларда заряд транспортини бошқариш масалаларини ечиш бундай полимерлар асосида яратилган органик электрон қурилмалар ва қуёш элементларининг самарадорлиги ва ресурс-тежамкорлигини ошириш истиқболларини яратади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети илмий тадқиқот ишлар режасининг Ф-2-003 "Қуйи ўлчамли тизимларда кўп электронли фотовольтаикали жараёнлар ва қуёш энергияси конверсияси" (2015-2017йй); М/UZ-GER-06/2016 (UZB-007) "Полимерлар асосидаги юпқа плёнкали элементларда заряд ташувчиларининг динамикаси" (2019-2021йй) фундаменталь тадқиқотлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўтказувчан полимерларда зарядланган солитонлар, экситонлар ва поляронлар динамикасини моделлаштириш ва ушбу жараёнларни бошқариш услубларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тармоқланган ўтказувчан полимерларда экситон, динамикасини моделлаштириш. Полимер тармиокланиш нукталаридан экситонлар орқага кайтмасдан утиш шартларини келтириб чиқариш. Утказувчан полимерларнинг электр ўтказчанлик характеристикаларини ҳисоблаш;

Su-Schiffer-Heeger (SSH) деб аталувчи моделни умумлаштириш ёрдамида тармоқланган полимерларда поляронлар динамикасини моделлаштириш. Полимер тармиокланиш нукталаридан поляронлар орқага кайтмасдан утиш шартларини келтириб чиқариш. Тармоқланган ўтказувчан полимерларда полярон мобиллик характеристикаларини ҳисоблаш;

ўтказувчан полимерларда зарядланган солитонлар динамикасини моделлаштириш. Солитонларнинг тармоқланиш нукталаридан орқага кайтмасдан утиш шартларини келтириб чиқариш.

Тадқиқотнинг объекти — тармоқланган ўтказувчи полимерлар, зарядланган солитон, полярон ва экситон квазизарралари.

Тадқиқотнинг предмети — тармоқланган ўтказувчан полимерларда заряд ташувчиларнинг динамикаси, заряд транспортининг физик характеристикаларини ҳисоблашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда Шредингер тенгламасини, синус-Гордон тенгламасини ва SSH моделидан келиб чиқувчи бошқа нозичли тўлқин тенгламаларни сонли ва аналитик тарзда ечиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тармоқланган ўтказувчан полимерларда зарядланган солитонлар транспортини тавсифловчи модель таклиф қилинган;

тармоқланган ўтказувчан полимерларда зарядланган солитонларнинг мобиллик характеристикалари ҳисобланган;

полимернинг тармоқланиш нукталари орқали зарядланган солитонларнинг қайтмасдан ўтиши учун шартлар аниқланган;

тармоқланган ўтказувчан полимерларда экситонлар динамикасини тавсифловчи модель таклиф қилинган;

тармоқланиш тугунларида экситонларнинг тескари сочилишининг мавжуд эмаслигини таъминловчи шартлар олинган;

тармоқланиш тугунларида экситонларнинг мобиллик характеристикалари ҳисобланган;

тармоқланган полимерларда Су-Шиффер-Хигер моделининг умумлаштирилган тури таклиф қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Диссертация доирасида тармоқланган ўтказувчан полимерларда заряд ташувчилар динамикасини тавсифловчи катор моделлар таклиф қилинган. Ушбу моделлар ёрдамида органик электроникада кенг камровда жорий этилиш истикболга эга булган функционал материаллар электрон хусусиятларини

такомиллаштириш имконипайдо булади. Бундан ташқари, мазкур моделларни куллаш учинчи авлод қуёш элементларида фойдаланиладиган утказувчан полимерлар конверсион самарадорлигини энг оптимал тармоқланиш архитектурасини танлаш орқали ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Заряд динамикасини моделлаштириш учун қўлланилган ёндашувлар ва услубият ҳар томонлама ўрганилганлиги ва синалганлиги, ҳамда графларда тўлқин динамикасини ўрганиш контекстида кенг эътироф этилганлиги билан изоҳланади. Иш бўйича ҳулосалар квант механикасининг асосий тенгламаларидан синус-Гордон ва ностационар Шредингер тенгламаларидан фойдаланилган ҳолда олинган натижалар асосида қилинди. Олинган натижаларнинг тастиғи сифатида республика ва ҳалқаро илмий конференцияларда муҳокамалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, турли хил тармоқланиш топологиясига эга бўлган ўтказувчан полимерларда солитонлар заряд оқимининг вақтга боғлиқлиги ва тармоқланиш нуқтасида оқим сақланиш қонуни аниқланган. Тармоқланган ўтказувчан полимерларда экситонлар энергетик спектридаги қонуниятлар аниқланган. Квант графларни қўллашга асосланган ёндашувдан фойдаланиб тармоқланган полимерлар учун SSH-моделни умумлаштириш таклиф қилинган. Солитонларнинг тармоқланган полимерларда тармоқланиш нуқтасидан қайтмасдан ўтишини аниқлашга имкон берувчи зарядланган солитонларнинг бошқариладиган транспорти мавжудлиги исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти, турли заряд ташувчилари динамикасининг компьютерда моделлаштирилиши, ҳамда заряд кўчишининг компьютер визуализацияси алгоритми ва дастури ишлаб чиқилди. Графлардаги тўлқин тенгламалар ёрдамида заряд ташувчиларнинг динамикасини моделлаштириш йўли билан тармоқланган ўтказувчи полимерлардаги электрон жараёнлар илк бора тадқиқ қилинган. Олинган натижалар органик электрон қурилмалар функционал хусусиятларини такомиллаштириш га кулланиши мумкин. Фойдаланилган ёндашув ва таклиф қилинган моделлар полимерли аралашмани чанглатганда плёнка юзасида фотоволтаик полимерларнинг тармоқланган структуралари вужудга келадиган, органик юпка плёнкали қуёш ячейкаларида заряд транспортини моделлаштириш учун ҳам қўлланилиши имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Электр ўтказувчан полимерларда заряд ташувчилар динамикасини моделлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган тармоқланган тизимлар SSH-моделни БФ2-022 рақамли «Тармоқланган углерод наноструктураларида квант транспорти» лойиҳаси паст ўлчамли тармоқланган углерод нанотизимларида квазизарраларнинг квант транспорти характеристикаларини ҳисоблашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Физика Жамиятининг 2020 йил 15 июндаги 3/02-10-сон маълумотномаси). Натижада ушбу модельни қўллаш паст ўлчамли

тармоқланган квант материалларида квази-зарралар транспортини бошқариш масаласини ечиш имконини берган;

тармоқланган фотовольтаик полимерларда экситон транспорти модели ўтказувчан полимерлар асосида яратилган юпқа пленкали органик қуёш элементлари конверсион самарадорлиги бўйича ҳисоблар Германиялик мутахассислар томонидан қуёш элементлари конверсион самарадорлигини ошириш ва уларнинг функционал хусусиятларини оптималлаштиришда фойдаланилган (Вуппертал университетининг 2020 йил 20 июндаги маълумотномаси). Натижада мазкур моделни қўллаш органик электрон ускуналарда ва қуёш элементларида пайдо буладиган тармоқланган полимерларда экситон транспортини бошқариш масаласини ечиш ва қуёш элементларининг конверсион самарадорлигини ошириш имкониятини берган;

ишлаб чиқилган тармоқланган полимерларда зарядланган солитонлар транспорти модели Германиялик мутахассислар томонидан органик электрон жиҳозлар ва материаллар функционал хусусиятларини оптималлаштириш орқали уларнинг ресурс-тежамикорлигини таъминлашга эришишга жорий қилиш истикболи кўрсатилган (Вьюрзбург университетининг 2020 йил 18 мартдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши тармоқланган Жосефсон контакларида квант процессорлари моделини экспериментал амалга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация бўйича олинган асосий натижалар 8 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 1 таси республика ва 4 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 76 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келиши асосланган. Диссертация мавзуси бўйича чет элдаги илмий тадқиқотларнинг қисқача маълумоти ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсад, вазифалари шакллантирилган, унинг объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгиликлари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг қўлланилиши, диссертация тузилиши ва нашр қилинган илмий ишлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “�тказувчан полимерлар физикаси асослари ва тармоқланган квант структуралар назарияси” номли биринчи бобида SSH-модель асосида ўтказувчи полимерларнинг бир ўлчамли панжаравий назарияси, экситонлар ва квант графлар назарияси ёритилган ҳамда адабиётлар таҳлили, диссертацияда ҳал қилинадиган муаммоларнинг ҳозирги замон ҳолати ва диссертацияда фойдаланилган асосий методлар ва ёндашувларнинг тавсифи келтирилган.

Диссертациянинг “Тармоқланган полимерларда зарядланган солитонлар транспорти” номли иккинчи бобида заряд ташувчилар динамикасини зарядланган солитонлар кўринишида ўрганилган. Жумладан, мазкур бобда тармоқланган полимерларда зарядланган солитонлар ташувчиларининг транспортини тавсифловчи метрик графлардаги синус-Гордон тенгламасига асосланган модель таклиф қилинган.




1-расм. Дендрид полимерларнинг схематик тавсифи

Ўтказувчи полимерларда заряд транспортининг солитонли механизми органик электроника материаларида намоён бўлувчи механизмлардан бири ҳисобланади. Кинк-солитонлар томонидан заряднинг ушлаб олиниши ва кўчирилиши заряд кўчишининг яна битта механизми ҳисобланади. Кейинги вақтларда тармоқланган архитектурали ўтказувчи полимерларга катта эътибор қаратилмоқда. Бу полимерларнинг шундай кўринишики, чизикли занжирда, тармоқланиш нуқтаси ёки тугуни ёки чўққиси деб аталувчи нуқтадан бошлаб, икки ёки бир неча тармоққа ажралади. Тармоқланиш структураси турли хил архитектураларга эга бўлиши мумкин, масалан, юлдуз, дарахт, ҳалқа ва шу каби кўринишларга эга бўлиши мумкин (1-расм).

Тармоқланишнинг бундай қоидаси структуранинг топологияси деб аталади. Полимернинг топологияси жуда мураккаб бўлса, у гипер-тармоқланган полимер деб аталади. Тармоқланган полимерлар ўзининг чизикли

аналогларидан қатор муҳим жихатлари билан фарқ қилади. Бундай полимер, бир хил молекуляр массали чизикли полимерга караганда, янада ихчамроқ конформацияни ҳосил қилади. Бундан ташқари, тармоқланиш топологиясига боғлиқ ҳолда, электрон ва эластик хоссалар чизикли полимерларнинг хоссаларидан тўлиқлигича фарқ қилиши мумкин. Аввало оддий ҳолни қараб чиқамиз: -боғланиш кўринишига эга бўлган юлдузсимон тармоқланган полимер. Биз тармоқларни, полимер занжир қалинлигига нисбатан, жуда узун деб тасаввур қиламиз. У ҳолда бундай полимерни графнинг тугуни ёки тармоқланиш нуқтаси деб аталувчи 0 нуқтада бириккан яримчексиз тармоқларга эга оддий юлдуз граф сифатида қараш мумкин (2-расм).



2-расм. Оддий юлдузсимон граф.

Бундай структурадаги солитон координаталари $x_1 \in (-\infty, 0]$ ва $x_{2,3} \in [0, \infty)$ сингари аниқланади, тармоқланиш нуқтасига 0 мос келади. Бундай тармоқланган полимерда зарядланган солитон динамикаси метрик графлардаги синус – Гордон тенгламаси терминлари бўйича тавсифланиши мумкин, у ҳар бир тармоқда, З. Собиров в.б.нинг ишларига асосан:

$$\psi_{ktt} - \alpha_k^2 \psi_{kxx} + \beta \sin \psi_k = 0, \quad (1)$$

сифатида ёзилиши мумкин, бу ерда ψ_k k -инчи тармоқдаги панжара силжишини тавсифлайди. Ушбу тенгламани ечиш учун граф тармоқланиш нуқтасида (туғунда) чегаравий шартларини қўйиш ва тармоқлар учларида тўлқин функциясининг асимптотикасини аниқлаш керак. Тугунда чегаравий шартларни қўйиш учун тўлқин функциясининг узлуксизлигидан:

$$\psi_1(0, t) = \psi_2(0, t) = \psi_3(0, t) \quad (2)$$

ҳамда энергиянинг, заряднинг ва импульснинг сақланиш қонунлари сингари фундаментал сақланиш қонунларидан фойдаланиш мумкин. Чексизликда асимптотик шартларни қандайдир бутун $n_k, k=1, 2, 3$, сон учун қуйидагича ёзиш мумкин: $x_1 \rightarrow \infty$ да $\partial_x \psi_1(\partial_x, t)$, $\partial_t \psi_1(x_1, t) \rightarrow 0$ ҳамда $\psi_1(x_1, t) \rightarrow 2\pi n_1$ бўлади

ва қандайдир $k=2, 3$, сон учун $x_k \rightarrow \infty$ да $\partial_x \psi_k(x_k, t)$, $\partial \psi_1(\partial_x, t) \rightarrow 0$ ҳамда $\psi_k(x_k, t) \rightarrow 2\pi m_k$ бўлади.

2-расмдаги юлдузсимон граф учун энергия ва топологик заряд (мос ҳолда) қуйидагича аниқланади:

$$E(t) = \sum_{k=1}^3 \frac{1}{\beta_k} \int B_k \left[\frac{1}{2} (\psi_{kt}^2 + \alpha_k^2 \psi_{kx}^2) + \beta_k (1 - \cos \psi_k) \right] dx, \quad (3)$$

ҳамда

$$2\pi Q = \frac{\alpha_1}{\sqrt{\beta_1}} \int_{-\infty}^0 \psi_{1x} dx + \sum_{k=2}^3 \frac{\alpha_k}{\sqrt{\beta_k}} \int_0^{+\infty} \psi_{kx} dx, \quad (4)$$

бу ерда $B_1 = (-\infty, 0)$, $B_{2,3} = (0, +\infty)$. Энергиянинг ва топологик заряднинг қуйидагича сақланиш қонунларидан

$$\frac{dE}{dt} = 0, \quad \frac{dQ}{dt} = 0,$$

тармоқланиш тугунларида қуйидагича чегаравий шартларга эга бўламиз:

$$\frac{\alpha_1^2}{\beta_1} \psi_{1x} \Big|_{x_1=0} = \frac{\alpha_2^2}{\beta_2} \psi_{2x} \Big|_{x_2=0} + \frac{\alpha_3^2}{\beta_3} \psi_{3x} \Big|_{x_3=0}. \quad (5)$$

Бу (2) ва (5) тенгламалар орқали берилган тугундаги чегаравий шартларга эга (1) тенгламанинг аниқ солитон (кинк) ечимлари қуйидаги йиғинди қоидаси бажарилганида олиниши мумкинлиги 3. Собиров в.б.нинг ишида кўрсатилган:

$$\frac{\alpha_1}{\sqrt{\beta_1}} = \frac{\alpha_2}{\sqrt{\beta_2}} + \frac{\alpha_3}{\sqrt{\beta_3}}. \quad (6)$$

У ҳолда ечимни қуйидагича ёзса бўлади:

$$\psi_k(x, t) = \nu \left(\frac{\sqrt{\beta_k}}{\alpha_k} x, \sqrt{\beta_k} t \right), \quad (7)$$

бу ерда

$$\nu(x, t) = 4 \arctan \left[\exp \left(\pm \frac{x - x_0 - \nu t}{\sqrt{1 - \nu^2}} \right) \right], \quad (8)$$


$|\nu| < 1$ кинк тезлиги ҳисобланади. (1) тенглама учун бошланғич шартлар

$$\psi_1(x, 0) = \nu \left(\frac{\sqrt{\beta_1}}{\alpha_1} x, 0 \right) \quad (9)$$

$$\psi_2(x,0) = \psi_3(x,0) = 0 \quad (10)$$

сингари танланган, яъни $t=0$ да ечим биринчи тармоқда ётувчи кинк шаклига эга бўлади.


Шундай қилиб, тармоқланган ўтказувчи полимерларда зарядланган солитонларнинг динамикаси, (1), (2) ва (5) тенгламалар орқали берилди. Бошқача қилиб айтганда, бизнинг моделимиздаги синус-Гордон тенгламасининг ечими мазкур графда тармоқланган ўтказувчи полимерларда зарядланган кинк-солитонларнинг ҳаракатини тавсифлайди. (1), (2) ва (5) тенгламалар орқали берилган масаланинг ечимига эга бўлган ҳолда, панжаранинг силжиши ва топологик заряднинг вақт бўйича эволюциялари, полимер тармоқланиши нуқтасида зарядларни ташувчи солитонларнинг қайтиши ва ўтиши каби турли хил заряд ташувчиларининг кўчиш хусусиятларини ҳисоблаш мумкин.



3-расм. (б) йиғинди қоидаси бажарилганида ҳар битта тармоқда ҳар хил вақт моментларида ψ_k нинг координатага боғлиқлиги (профили).

Йиғинди қоидаси бажарилганида (3-расм) ҳар битта тармоқда ҳар хил вақт моментларида ψ_k нинг координатага боғлиқлиги (профили) тасвирланган. Йиғинди қоидаси бажарилган режим учун қандайдир (охирги) вақт оралиғидан кейин кинк биринчи тармоқдан иккинчи ва учинчи тармоқларга тўлиқ ўтишини кўришимиз мумкин. 4,а-расмда (б) тенглама орқали берилган йиғинди қоидаси бажарилганда, яъни энергия ва зарядни сақланган ҳолда, юлдузсимон тармоқланган полимернинг ҳар бир тармоғида вақт функцияси сифатида

заряднинг графиклари тасвирланган. Топологик заряднинг сақланиши ушбу графикдан аниқ кўринади. 4,б-расмда йиғинди қоидаси бузилган ҳол учун шунга ўхшаш графиклар тақдим этилган. Ўз-ўзидан аёнки, бу режимда ҳеч қандай заряд сақланиши бажарилмайди.



4-расм. (б) Йиғинди қоидаси ($a_1=1$, $a_2=0,7$, $a_3=0,3$) бажарилганида (а) ва ($a_1=1$, $a_2=2$, $a_3=3$) бузилганида (б) юлдузсимон тармоқланган полимернинг ҳар битта тармоғида заряднинг вақтга боғлиқлиги.


Иккала ҳолатда ҳам, заряд дастлабки вақт momenti ($t=0$) да биринчи тармоқда генерацияланади деб тахмин қилинади.

Таъкидлаш керакки, юқорида қараб чиқилган ёндашув янада мураккаб тармоқланиш топологияга эга бўлган бошқа тармоқланган полимерларда зарядланган солитонларнинг динамикасини моделлаштириш учун кенгайтирилиши мумкин.

Диссертациянинг “Тармоқланган ўтказувчан полимерларда экситонлар динамикаси” номли учинчи бобида тармоқланган ўтказувчи полимерларни квант графлар ёрдамида моделлаштириш йўли билан уларда экситонлар динамикаси қараб чиқилган. Квант графлар, граф топологияси деб аталувчи қандайдир қоида бўйича ўзаро бир-бирлари билан боғланган, квант ўтказгичлар системасини ташкил этади.

Ўтказувчи полимерларда экситонлар фотофизик жараёнларда ва органик оптоэлектрон қурилмаларда асосий заряд ташувчилар ҳисобланадилар. Экситонлар транспортининг реал моделларини яратиш, янги функционал материалларни яратиш ва мавжудларини оптималлаштириш учун, ҳам аҳамият касб этади. Экситонли транспортдан ташқари, стационар экситонларни ёритиш экситон-панжаравий экситонли фононларда ва бошқа ўзаро таъсирларда муҳим рол ўйнайдиган асосий омилларни тушунишга имкон беради. Ҳозирги вақтгача адабиётларда боғланган полимерларда экситонлар динамикасининг турли хил моделлари таклиф қилинган. Ўтказувчи полимерлар учун, уларнинг квази бир ўлчамли ва даврий структураси туфайли, полимер занжирни мономерларнинг бир ўлчамли панжараси каби қараш мумкин. Шунинг учун ўтказувчи полимерларда экситонларни ёритувчи кўпчилик моделлар бир ўлчамли моделлар ҳисобланади. Бу, масалан, мустаҳкам боғланишли бир ўлчамли ёндашувдан зонавий структурани ва заряд ташувчиларнинг миграцияси учун фойдаланишга имкон беради. Шундай ёндашув дастлаб М.Ж. Райс (M.J. Rice) ва Ю.Н. Гарштейн (Yu.N. Gartstein) ишларида таклиф этилган. Бу ерда биз

тармоқланган, яъни битта мономерда бир-бири билан боғланган учта полимер занжирдан ташкил топган, ўтказувчи полимерларда экситонлар динамикасини қараб чиқамиз (5-расм.).



5-расм. Тармоқланган полимер занжири.

Шунинг учун ўтказувчи полимерларда экситонларни ёритувчи кўпчилик моделлар бир ўлчамли моделлар ҳисобланади. Бу, масалан, мустаҳкам боғланишли бир ўлчамли ёндашувдан зонавий структурани ва заряд ташувчиларнинг миграцияси учун фойдаланишга имкон беради. Шундай ёндашув дастлаб М.Ж. Райс (M.J. Rice) ва Ю.Н. Гарштейн (Yu.N. Gartstein) ишларида таклиф этилган. Бу ерда биз тармоқланган, яъни битта мономерда бир-бири билан боғланган учта полимер занжирдан ташкил топган, ўтказувчи полимерларда экситонлар динамикасини қараб чиқамиз (5-расм.).

Мазкур ишда биз фойдаланган модель ўтказувчи полимерлар физикаси шаклланишининг дастлабки босқичларида Абэ томонидан таклиф қилинган моделга яқиндир. Мазкур модель электрон-фонон ўзаро таъсирларни эътиборга олмасликни, бир ўлчамли панжарани қаттиқ деб ва электрон орасида Кулон ўзаро таъсирлашишни электрон ва ковак орасидаги ўзаро таъсирлашишга нисбатан заиф деб ҳисоблашни тахмин қилади. Бундан ташқари, чексиз боғланиш энергиясининг пайдо бўлишидан қутулиш учун Кулон потенциалига чекканинг узунлигини киритамиз, яъни Кулон потенциалини кичик масофаларда қирқамиз. У ҳолда электрон ва ковак орасидаги тортишувчи Кулон потенциалини қуйидагича кўринишда ёзиш мумкин:

$$V(x) = -\frac{1}{|x + \xi|}.$$

Биз бу ерда тармоқланган ўтказувчи полимерларда шундай полимерларни қараб чиқамиз. Тармоқланиш Y -ўтишга эга деб тахмин қилинади (5-расм). Бундай система 2-расмда тақдим этилган юлдузсимон граф кўринишига акслантирилади. Полимер узунлиги, унинг кенглигидан бир неча марта катта

(полимер тармоқлари етарлича узун бўлиши, яъни кўп мономерлардан иборат бўлиши керак) деб тахмин қилиниб, электрон-ковак жуфтнинг динамикаси, 2-расмда тақдим этилган графнинг ҳар битта тармоғида) куйидагича кўринишда берилувчи метрик графлардаги Шредингернинг стационар тенгламалари терминларида ифодаланиши мумкин ($\hbar = e = 1$ бирликларида)

$$\left(\frac{p^2}{2\mu} - \frac{1}{|x + \xi_j|} \right) \psi_j(x) = E_b \psi_j(x), \quad (11)$$

бу ерда $p = -i \frac{d}{dx}$, E_b – электрон-ковак жуфти учун боғланиш энергияси, j – тармоқ тартиб рақами. Кулон потенциали электрон-ковак ўзаро таъсирлашишни ифодалайди, μ – келтирилган масса бўлиб, у куйидагича аниқланади:

$$\frac{1}{\mu} = \frac{1}{m_e} + \frac{1}{m_h}.$$

(11) тенгламани ечиш учун графнинг тармоқланиш тугунларида чегаравий шартларни қўйиш керак. Биз бу ерда уларни тармоқланиш тугунида тўлқин функциясининг узлуксизлиги:

$$\psi_1(0) = \psi_2(0) = \psi_3(0) \quad (12)$$

ва куйидагича кўринишда берилувчи


$$\sum_{j=1}^3 \frac{d}{dx} \psi_j(x=0) = 0. \quad (13)$$

Кирхгоф қондаси каби қараймиз. Тармоқларнинг учларида Дирихле чегаравий шартлари куйидагича кўриниш олади:

$$\phi_1(L_1) = \phi_2(L_2) = \phi_3(L_3) = 0.$$

(11) тенгламани аналитик ечиб бўлмаслиги сабабли, уни (12) ва (13) чегаравий шартлар учун сонли ечамиз, бу эса бизга ўтказувчи полимерда, 6-расмда тасвирланган, экситонларнинг энергетик спектрини ҳисоблаш имконини беради.

Ўтказувчи полимерларнинг экситонли динамикасини моделлаштиришда муҳим масала бўлиб экситонларнинг полимер занжири бўйлаб транспорти ҳисобланади. Тармоқланган ўтказувчи полимер ҳолида тармоқланиш нуқтасида экситоннинг ўтиши ёки қайтиши ҳисобига динамика янада мураккаб бўлиб қолади. Бундай полимерларда экситонлар динамикасини, куйидагича кўринишда берилувчи, метрик графлардаги Шредингернинг ностационар тенгламаси ёрдамида ифодалаш мумкин:



6-расм. Энергиянинг дастлабки 20 та сатҳлари.

$$i\partial_t\psi_j + \partial_x^2\psi_j + \left(\frac{2\mu}{x+\xi_j}\right)\psi_j = 0, \quad a > 0, \quad x \geq 0 \quad (14)$$

бу ерда μ – келтирилган масса, ξ_i – Кулон потенциали қирқимининг узунлиги, j –инчи тармоқнинг тартиб рақами. Чегаравий шартлар тўлқин функция оғирлигининг узлуксизлиги

$$a_1\psi_1(0,t) = a_2\psi_2(0,t) = a_3\psi_3(0,t), \quad (15)$$

ва токнинг сақланиши

$$\sum_{j=1}^3 \frac{1}{a_j} \partial_x \psi_j(x=0,t) = 0, \quad (16)$$

кўринишида қўйилади, бу ерда α_j – ҳақиқий доимийлар, $j=1, 2, 3, \dots$. Дирихле чегаравий шартлари ҳар битта тармоқнинг учида қўйилади:

$$\psi_j(x=L_j,t) = 0, \quad j=1, 2, 3. \quad (17)$$

Квант графлар учун шаффоф чегаравий шартлар деб аталувчи концепциядан фойдаланиб, баъзи шартлар бажарилганида α_j коэффициентлар учун полимернинг тармоқланиш тугуни орқали экситоннинг ўтиши қайтувчан бўлмаслигини кўрсатиш мумкин. Бу қоида қуйидагича йиғинди қоидасидир:

$$\frac{1}{a_1^2} = \frac{1}{a_2^2} + \frac{1}{a_3^2} \quad (18)$$

Диссертациянинг “Тармоқланган молекуляр занжирларда квазизаррачаларнинг квант транспорти ва поляронлар динамикаси” номли тўртинчи бобда тармоқланган структураларда, потенциал ўраларда квант зарраларнинг транспортини ўрганилган. Бундай структураларда, ҳам чизиқли ҳамда тармоқланган ўтказувчи полимерлардаги заряд ташувчиларни моделлаштирилади. Тармоқланган ўтказувчи полимерларда поляронлар динамикасини Су-Шиффер-Хигер (SSH) модели деб аталувчи модель асосида ўрганилган. Мазкур модель, молекуляр кристалларга, яъни даврий структурага (бундайларга ўтказувчи полимерлар ҳам киради) эга бўлган ва транс-полиацетиленда электрон жараёнларни моделлаштиришда муваффақиятли қўлланилган молекуляр структураларга мослаштирилган кучли боғланиш моделининг бир ўлчамли аналоги ҳисобланади. Мазкур диссертация ишида квант графларни қўллашга асосланган ёндашувдан фойдаланиб тармоқланган полимерлар учун SSH-моделни умумлаштириш таклиф қилинган. Моделда қуйидагича кўринишга эга бўлган квант графлардаги Шредингер тенгламасини ечиш талаб қилинади:

$$\left[-\frac{\partial^2}{\partial x^2} + V_j(x) \right] \Psi_j(x) = E \Psi_j(x), \quad (19)$$

бу ерда Ψ_j – j -инчи боғланишнинг тўлқин функцияси ва $j=1, 2, \dots, N$. Графдаги Шредингер операторининг ўз ўзига қўшма бўлишини сақлайдиган структуранинг тугунларидаги чегаравий шартлар қуйидагича кўринишда ёзилиши мумкин:

$$\Psi_1(0) = \Psi_2(0) = \dots = \Psi_N(0) \quad (20)$$

Тармоқланиш нуқтасида токнинг сақланишидан қуйидагига эга бўламиз:

$$\sum_{j=1}^N \frac{d\Psi_j}{dx} \Big|_{x=0} = 0.$$

Дирихле чегаравий шартлари графнинг тармоқлари учларида қўйилади:

$$\Psi_b(L_j) = 0,$$

бу ерда L_j – j -инчи тармоқнинг узунлиги.

SSH-модели доирасида поляронни электрон ва фононлар булутининг боғланган системаси сифатида қараган ҳолда, бу системанинг ҳаракат

тенгламасини (чизикли) тўлқин тенгламалари системаси кўринишида ҳосил қилишга имкон берувчи Гамильтон ёндашиши ёрдамида тавсифлаш мумкин.

$b_j, j = 1, 2, 3, b_1 \sim (-\infty;], b_{2,3} \sim [0; +\infty)$ тармоқларга эга графларда SSH-модели учун Лагранж функцияси қуйидаги кўринишга эга

$$L = \sum_{j=1}^3 \int_0^{+\infty} L_j(t) dt, \quad (21)$$

бунда

$$\begin{aligned} L_j(t) = & \frac{1}{\beta_j} \left[\frac{i}{2} \int_{b_j} (u_j(x,t) \partial_t u_j^*(x,t) - u_j^*(x,t) \partial_t u_j(x,t)) dx + \right. \\ & + \frac{i}{2} \int_{b_j} (v_j(x,t) \partial_t v_j^*(x,t) - v_j^*(x,t) \partial_t v_j(x,t)) dx - \\ & - \gamma_j \int_{b_j} \left[\frac{d\Delta_j(x,t)}{dt} \right]^2 dx - \theta_j \int_{b_j} \Delta_j^2(x,t) dx + \\ & + i\beta_j \int_{b_j} (u_j^*(x,t) \partial_x u_j(x,t) - u_j^*(x,t) \partial_x u_j(x,t)) dx - \\ & \left. \int_{b_j} \Delta_j(x,t) (u_j^*(x,t) v_j(x,t) + v_j^*(x,t) u_j(x,t)) dx \right]. \quad (22) \end{aligned}$$

Бу ерда u_j – электроннинг тўлқин функцияси, v_j – фононнинг тўлқин функцияси, Δ_j – тирқиш параметр.

Ушбу Лагранжианга Эйлер тенгламасини кўллаб, тармоқланган юлдузсимон ўтказувчан полимерларда поляронлар динамикасининг қуйидагича тўлқин тенгламаларини ҳосил қиламиз:

$$\begin{aligned} -i\partial_t u_j + i\beta_j \partial_x u_j - \Delta_j v_j &= 0 \\ -i\partial_t v_j - i\beta_j \partial_x v_j - \Delta_j u_j &= 0 \end{aligned} \quad (23)$$

ва улар учун тармоқланиш нуқтасидаги чегаравий шартлар

$$\begin{aligned} \alpha_1 u_1 \Big|_{x=0} &= \alpha_2 u_2 \Big|_{x=0} = \alpha_3 u_3 \Big|_{x=0}, \\ \frac{1}{\alpha_1} v_1 \Big|_{x=0} &= \frac{1}{\alpha_2} v_2 \Big|_{x=0} + \frac{1}{\alpha_3} v_3 \Big|_{x=0}. \end{aligned} \quad (24)$$

кўринишда қўйилади.

β_j параметрлар йиғинди қоидасини қаноатлантиради деб қабул қилиб

$$\frac{1}{\beta_1^2} = \frac{1}{\beta_2^2} + \frac{1}{\beta_3^2} \quad (25)$$

тармоқланган ўтказувчан полимердаги поляроннинг тўлқин функциясини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин

$$\begin{aligned}u_0(x) &= N[(1-i)\operatorname{sech} k_0(x+x_0) + (1+i)\operatorname{sech} k_0(x-x_0)], \\u_0(x) &= N[(1+i)\operatorname{sech} k_0(x+x_0) + (1-i)\operatorname{sech} k_0(x-x_0)], \\ \Delta_j(x) &= \Delta_{0j} - k_0\beta_j[\tanh k_0(x+x_0) - \tanh k_0(x-x_0)],\end{aligned}\tag{26}$$

бу ерда

$$\tanh 2k_0x_0 = \frac{k_0\beta_j}{\Delta_{0j}}.$$

ХУЛОСА

«Тармоқланган ўтказувчан полимерларда заряд ташувчилар динамикасини моделлаштириш» мавзусида фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Солитонларнинг тармоқланган полимерларда тармоқланиш нуқтасидан қайтмасдан ўтишини аниқлашга имкон берувчи зарядланган солитонларнинг бошқариладиган транспорти мавжудлиги исботланди;
2. Турли хил тармоқланиш топологиясига эга бўлган ўтказувчан полимерларда солитонлар заряд оқимининг вақтга боғлиқлиги ва тармоқланиш нуқтасида оқим сақланиш қонуни аниқланди;
3. Тармоқланган ўтказувчан полимерларда экситонлар энергетик спектридаги қонуниятлар аниқланди. Электрон-тешик жуфтлигининг боғланиш энергияси полимер тармоғининг узунлигига тескари пропорционал эканлиги кўрсатилди;
4. Ўтказувчан полимернинг тармоқланиш нуқталари орқали экситонларнинг қайтишсиз ўтиш режими ҳосил бўлиш шартлари аниқланди;
5. Су-Шриффер-Хигер модели тармоқланган ўтказувчан полимерлар учун умумлаштирилган;
6. Тармоқланган ўтказувчан полимерларда поляронлар динамикаси тадқиқ қилинди. Поляронларнинг тармоқланиш нуқтаси орқали қайтишсиз ўтиш режими мавжудлиги исботланди. Ушбу режимнинг математик шarti материалнинг физик параметрларига боғлиқ равишда келтириб чиқарилди.
7. Турли заряд ташувчилари динамикасининг компьютерда моделлаштирилиши, ҳамда заряд кўчишининг компьютер визуализацияси алгоритми ва дастури ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 02/30.12.2019.К/ФМ/Т.36.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ
ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МАТЯКУБОВ ХИКМАТЖОН ШУХРАТОВИЧ

**МОДЕЛИРОВАНИЕ ДИНАМИКИ НОСИТЕЛЕЙ ЗАРЯДА В
ЭЛЕКТРОПРОВОДЯЩИХ ПОЛИМЕРАХ**

01.04.06 – Физика полимеров

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ФИЗИКО – МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019.2.Phd/FM138

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (polychemphys.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Матрасулов Даврон Урунович**
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Нурғалиев Илнар Накипович**
доктор физико-математических наук

Явидов Бахрам Янгибаевич
доктор физико-математических наук

Ведущая организация **Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «27» ноябрь 2020 года в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc 02/30.12.2019.K/FM/T.36.01 при Институте химии и физики полимеров (Адрес: 100128, г.Ташкент, ул.Абдулла Кадыри, 7^б, Тел.:(+99871)241-85-94, факс: (+99871)241-26-60, e-mail: polymer@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии и физики полимеров АН РУ за № 15 (Адрес: 100128, г.Ташкент, ул.Абдулла Кадыри, 7^б, Тел.:(+99871) 241-85-94).

Автореферат диссертации разослан «10» 10 2020 года.
(протокола рассылки № 2 от «09» 10 2020 года.)



 **С.Ш.Рашидова**
Председатель научного совета по присуждению
учёной степени, д.х.н., профессор, академик

 **М.М. Усманова**
Учёный секретарь научного совета по присуждению
ученой степени, к.х.н.
старший научный сотрудник

 **С.С. Негматов**
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н.,
профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

Сегодня развитие придается особое внимание на переход низкоуглеродной энергетике на основе экологически безопасных и возобновляемых источников энергии. При этом актуальным является создание эффективных, гибких, экологически безопасных и конкурентоспособных электронных устройств, в том числе и солнечных элементов нового поколения.

В настоящее время в мире ведущими исследователями проведены ряд научно-практических исследований, связанных с темой диссертации и подтверждающие их актуальность. При этом уделено особое внимание на органические солнечные элементы, созданные на основе проводящих полимеров. Увеличение КПД подобных солнечных ячеек до 20% позволяет им становиться коммерчески конкурентоспособным и частично или полностью заменить кремниевые солнечные элементы полимерными. Решение подобной задачи определяет проведение целенаправленного исследования по созданию реалистических моделей переноса заряда в фотовольтаических полимерах как приоритетную задачу современной физики полимеров.

В нашей стране уделяется особое внимание развитию экологически чистых и коммерчески конкурентоспособных возобновляемых источников энергии. В частности, получены важные результаты по ряду направлений, таких как разработка эффективных солнечных ячеек на основе полупроводниковых гетероструктур, по увеличению конверсионной эффективности существующих фотовольтаических преобразователей с путем оптического фокусирования солнечных лучей. В стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан² развитие науки и внедрение результатов фундаментальных исследований на практику определены в качестве приоритетных задач. Поэтому имеют важное значение научно-практические исследования, направленные на разработку реалистических моделей транспорта носителей заряда, таких как экситоны, поляроны, а также заряженные солитоны в проводящих полимерах, являющихся основой ресурсосберегающей органической электроники, выявление наиболее оптимальной с точки зрения конверсионной эффективности архитектур разветвления таких полимеров.

Настоящая диссертация, в определенной степени, служит осуществлению задач, обозначенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №-ПП-916 «О дополнительных мерах по стимулированию внедрения инновационных проектов и технологий в производство» от 15 июля 2008 года, №-ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года и Указа Президента №-УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики

² Указ Президента Республики Узбекистан о стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года

Узбекистан» от 8 февраля 2017 года, а также Постановления Президента Республики Узбекистан «об ускоренных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республике. Диссертационная работа выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в Республике Узбекистан под названием энергетика, энерго- и ресурсосбережение; использование и развитие возобновляемых источников энергии.

